

## **БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

*Бекмуратова Шоҳида Неъматжоновна*

*Андижон давлат университети таянч докторанти*

*e-mail: [shokhida2020@gmail.com](mailto:shokhida2020@gmail.com)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштиришга асосланган ёндашувлар ва амалиётга татбиқи ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик, педагогик технологиялар, дастгоҳли, графика, маҳобатли, миниатюра, ҳайкалтарошлик, ижодкор, композиция, мойли бўёқ, акварел, гуаш, темпера, рангли қаламлар, кўмир, қалам, пастел, соус, сангина.

**Annotatsiya:** В данной статье освещается информация о практическом применении подходов и методов, основанных на совершенствовании профессионально-методической подготовки будущего учителя изобразительного искусства.

**Ключевые слова:** изобразительное и прикладное искусство, дизайн, искусствоведение, педагогические технологии, станковая, графическая, величественная, миниатюра, скульптура, креатив, композиция, масляные краски, акварель, гуашь, темпера, цветные карандаши, уголь, карандаш, пастель, соус, сангина.

**Annotation:** In this article, the information on the practical application of approaches and methods based on the improvement of the professional methodological training of the future visual arts teacher is highlighted.

**Key words:** fine and applied art, design, art history, pedagogical technologies, easel, graphic, majestic, miniature, sculpture, creative, composition, oil paint,

watercolor, gouache, tempera, colored pencils, charcoal, pencil, pastel, sauce, sangina.

Ўзбек халқи ўзининг тасвирий, амалий, меъморчилик санъати билан фахрланса арзийди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, ўлкамиз рассом ва хаттотларини дунёга танитиш ва туризм масаласида “Бу масканга ташриф буюрувчилар бир вақтнинг ўзида... Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаххиб каби мусаввирларнинг бебаҳо меросидан намуналар, улар таваллуд топган ва фаолият кўрсатган тарихий шаҳарлар манзаралари турли ноёб экспонатлар орқали акс эттирилади” деб таъкидлади[1;592-б]. Чунки, Ўзбекистон ҳудудида эрамиздан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалторошлик, меъморчилик турлари ниҳоятда ривожланди, уларнинг намуналари Варахша, Афросиёб, Халчаён, Тупроққалъа, Болалик тепа, Айртом, Далварзин тепа, Фаёз тепа, Қўйқирилган қалъа, Ажина тепа, Тешик қалъа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида тасвирий санъат турларидан меъморчилик, миниатюра гуллаб - яшнади. Бу даврда миниатюра ва китоб графикаси шунчалик ривожландики, у нафақат Шарқ, ҳаттоки Европа мамалакатлари санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Натижада, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот миниатюра мактаблари билан бир қаторда Бағдод, Табриз, Шероз, Озарбайжон, Ҳинд, Исфохон, Турк миниатюра мактаблари ҳам шаклланди ва ривожланди. Бу даврларда яратилган асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди десак муболаға бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илғор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида

шаклланган анъаналари, устознинг шогирдга ўтказган билимлари асосидагина тараккий топади [2;210-б]. Бу эса умумий бадий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради.

Ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, соҳа ривожига катта ҳисса кўшган атоқли rassom ва халқ усталари хотирасини абадийлаштириш, ижодий йўналишда олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4688-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланди:

✓ давлат олий ва профессионал таълим муассасалари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик ҳамда музейшунослик йўналишлари бўйича педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

✓ иқтидорли ёш профессионал санъат намоёндаларининг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари, самарали педагогик технологиялар, электрон ахборот ресурсларидан кенг фойдаланган ҳолда таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш;

✓ ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштириш;

✓ бадий таълим йўналишларидаги педагог ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларининг ўқув-методик базасини шакллантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларга ташкилий-методик раҳбарликни амалга ошириш;

✓ тасвирий санъат асарларининг юксак сифатини таъминлаш, тасвирий санъат ижодкорларининг салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариш;

✓ «устоз-шогирд» ва бадий таълим анъаналарини сақлаган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига ижодий устахоналар фаолиятини татбиқ этиш;

✓ тасвирий санъат йўналишларида (дастгоҳли, графика, маҳобатли, миниатюра, хайкалтарошлик) фаолият олиб бораётган истеъдодли ижодкорларни саралаб олиш, уларнинг эстетик савияси ва маҳоратини юксалтириш;

✓ санъат асарларида миллий ва умуминсоний анъаналарнинг юксак даражада ифода этилишига эришиш;

✓ чет эллардаги кўرғазма ва музейларда сақланаётган ноёб асарлар билан яқиндан танишиш, нусха кўчириш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида хорижий мамлакатларга олий рассомлик курси ёш ижодкорларининг ижодий сафарларини ташкил этиш;

✓ юртимиз музейлари фондларини юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий санъат асарлари билан мунтазам бойитиб боришга кўмаклашиш кабилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг касбий методик тайёргарлигини такомиллаштириш мавзусини таҳлил қилиш ва ўрганиш бугунги кун учун керак деб ҳисоблаймиз.

Бугунги кунда қабул қилинаётган қарорлар, фармонлар, таълим сифатини оширишга қаратилган ислохотлар замирида янги дарсликларни яратиш, уларни халқаро баҳолаш дастурлари стандартларига мослаштириш, фанлараро

интеграциялашув жараёнларини сингдириш, STEAM фанларини ривожлантириш ва янги натижаларга эришиш кўзда тутилган. Тасвирий санат фани ўқувчиларнинг мактабга илк қадам қўйган кунлариданоқ ўргатиб келинмоқда. Бу эса ўқитувчилардан кўпроқ ижодкорликни, пухта билимни, юксак маҳоратни талаб этади.

Тадқиқот ишимизда тасвирий санъат соҳасида илмий изланишлар олиб борган ўзбек, рус ва хориж мамлакатлари тадқиқотчилари, рассомлари, санъат намоёндаларининг ишлари, шу кунга қадар чоп этилган адабиётлардаги назарий қарашлар ва методик билимлар ўрганилди.

Тасвирий санъатнинг асосий вазифаси - ёшларда тасвирлаш маҳорат қирраларини ўрганиш натижасида юзага келган билим ва малакаларни шакллантиришни ўз ичига олади. У ўқувчидан тасвирлаш қонун-қоидаларини билишни ва улардан тўғри фойдалана олишни кўзда тутди [3; 7 б].

Шу ўринда Италиян олими ва буюк рассоми Леонардо да Винчининг «Рангтасвир қонунлари» номли асарида: «Ёшлар ўзларини илм-фан, тасвирий санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало, расм чизишни мукамал билмоқлари лозимдир» деб келтиради.

Уйғониш даврининг буюк рассоми ва олими Леонардо да Винчининг ўзининг «Рангтасвир қонунлари» номли асарида қалам тасвирга оид қуйидаги фикрлари “Тажрибасига ва кўзларига ишониб, фикр-ўйсиз равишда кўчириб чизувчи рассом, худди қаршисидаги қўйилган педметлами, уларни билмаган ҳолда акс эттираётган кўзгу кабидир” дея таъкидлаган.

XIX асрнинг биринчи ярмини ижод қилган Россия машҳур рассоми К.П.Брюллов “Рассом бўлиш учун авваламбор расм чизишни билиш керак, чунки қаламтасвир санъатнинг асосини ташкил этади” деб таъкидлаб ўтган.

Рус рассоми ва педагоги, тарихий, жанр ва портрет рассоми устаси, академик, профессор П.П.Чистяков [4;591-б] ёш рассом ва педагогларга “Санъат илмсиз яшай олмайди, илм-фан ўзининг юқори нуқтасида санъатга

айланади”, “Шаклларни кўра олмайдиган ҳар қандай киши чизиқни ҳам тўғри чиза олмайди”. “Предметни борлигича ва бизнинг кўзимизга қандай кўринаётган бўлса шундайлигича тасвирлаш, ҳамда бир пайтда унинг “кўриниши” ва “моҳиятини” ҳам ифодалаш керак” шундай деган эди.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси тасвирий санъатнинг назарий асослари таркибидаги композиция, рангшунослик асослари, перспектива қониниятларини билиши ва ижодий фаолиятида тадбиқ эта олиш лозим.

“Композиция” атамаси латин тилидан олинган бўлиб, тузилиш, бирлашиш, боғланиш каби маъноларини англатади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси ижодий композиция орқали ўз руҳий кечинмаларини асарда акс эттириб ўз дунёсига чорлай олишни акс эттириши лозим. Шу билан биргаликда ҳар бир образларни кетма кет уйғунликда тасвирлаш муҳим ҳисобланади.

Рангтасвир бу- тасвир билан акс этадиган ранг ва материаллар ёрдамида бажариладиган тасвирдир. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси ушбу турда асосан бўёқлар мойли бўёқ, акварел, гуаш, темпера, рангли қаламлар, кўмир, қалам, пастел, соус, сангина каби бадиий материаллар асосан қоғоз, мато, картон, девор, ойна, ёғоч каби текис юзаларга ишланади, ишлашни машғулотлар давомида ўрганиб композиция яратадилар. Ўз навбатида рангтасвир ҳам қуйидаги турларни ўз ичига олади:

1. Дастгоҳли рангтасвир.
2. Монументал (маҳобатли) рангтасвир.
3. Миниатюра (мўъжаз) рангтасвир.
4. Декоратив (безак) рангтасвир.
5. Театр-декоратив (безак) рангтасвири.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси юқоридаги рангтасвирларни кетма-кетликда билиши, амалий ва ижодий фаолиятида қўллай олиши зарур. Шу билан биргаликда рангтасвир санъати каби ҳайкалтарошлик санъатини ҳам

ўзлаштириб боради. Ушбу санъат тури ҳам ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни турли услуб ва тасвирлаш техникаси ҳамда материаллар ёрдамида ифодалайди. Ҳайкалтарошлик санъати ўз навбатида икки турга бўлинади. Улардан тўлиқ юмалоқ ҳайкаллар (ҳар томондан кўриш мумкин бўлади) ва релефли - бўртма (текислик устига ишланиб, юзадан қисман бўртиб чиққан бўлади.) ҳайкаллардан иборат. Бўлажак мутахассис ҳайкалтарошликка оид қуйидаги тош, металл, гипс, ёғоч, воск (мум), сим каби ҳом ашиёларни кесиш, ёпиштириш, улаш ва ўйиш, қуйиш орқали техник усулларини ўрганадилар.

Бўлажак мутахассис тасвирий санъат сўнгги тури яъни графикани мукамал ўзлаштириши лозим. “Графика” лотинча сўз бўлиб, “ёзаман, чизаман” деган маънони англатиб, уч турлари яни гравюра, линогравюра, эстамп кабиларни ўз ичига олади. Хусусан гравюра (қаттиқ материалларга чизиш ва кесиш орқали бажарилади), линогравюра (тош орқали тайёрланади), эстамп (китоб иллюстрациялари, почта маркалари, газета-журнал безаклари, карикатуралар, этикетка, театр ва кино афишалар ва бошқалар) шу кабилардир [5; 12 б].

Юқоридагиларни чурқур ўзлаштириш натижасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси графика йўналишида келажак фаолиятида мустақил тарзда графика турини композиция орқали номоён эта олади ва тасвирий санъатнинг барча жанрлари билан ҳам танишиб боради.

Ҳар бир назарий маълумотни амалий машғулот дафтариде ижодий синаб кўрилади. Бу эса ўқувчиларнинг ижодий тасаввурини кенгайтиришда, креатив ва ижодий сифатларини ўстиришда ёрлам беради.

Тасвирий санъат концепсиясида: “Олий таълим муассасаларида тасвирий санъат ўқув предметининг мақсади баркамол, комил инсонни унинг бадиий маданиятини шакллантиришга қаратилади” дейилган[6;27-б.] Мазкур мақсад ва вазифаларни чуқур таҳлил этиб, уни қуйидагича талқин қилиш мумкин. Демак, ҳар бир болада унинг психологик ривожланганлигидан қатъий назар,

яширин ҳолда юрагининг тубида бирон нарсага қизиқиш, интилиш, яъни бошқача қилиб айтганда, иқтидор ва истеъдод куртаклари бўлади, уларни аниқлаш ҳамда ривожлантириш керак. Бу жараён эса мураккабдир. Ана шу мураккаблик тасвирий санъат фанининг бошқа фанлардан ажралиб туришини кўрсатади. Чунки тасвирий санъат фанининг асоси – дунёни билишдир, уни тўғри тасвирлаш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимизни катият билан давом эттириб янги боскичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

2. Булатов С.С. Устоз ва шогирд одоби. Т.: 2012, Низомий ном. ТДПУ. Методик тавсиянома. - 210 б

3. Бойметов Б. Қалам тасвир (расм) касб ҳунар коллежлари учун ўқув кўлланма. Т. Иқтисод-молия 2010.7 бет

4. Чистяков П.П. Писма, записнўе книжки, воспоминания. - М.: Искусство, 1953. - 591с.

5. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат асослари. -Т.: Ғофур Ғулом. 2009.-204б.

6. Умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепсияси. - Т.: Шарқ. 1998.-27б.